

ЎТМИШГА НАЗАР

9 ЖИЛД, 8 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 9, НОМЕР 8

LOOK TO THE PAST

VOLUME 9, ISSUE 8



ТОШКЕНТ-2026

Бош мухаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош мухаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети

Бобожонова Дилором Бобожонова
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

Юнусова Хуршида Эркиновна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Аширов Адхам Азимбаевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
ЎзР. ФА. Тарих институти

Агзамова Гулчеҳра Азизовна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
ЎзР. ФА. Тарих институти

Бурдиашвили Майя
тарих фанлари доктори (DSc),
Телави давлат университети

Кожакеева Ляззат Темировна
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика университети

Аминова Азиза Марксовна
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
Навоий давлат педагогика институти

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори (DSc),
Тошкент ирригация ва кишлок хужалигини механизациялаш мухандислари институти
Миллий тадқиқот университети

Худайкулов Тулқин Дўстобоевич
Тарих фанлари доктори (DSc)
Шаҳрисабз дала педагогика институти

Гоффоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори (DSc), профессор
Самарқанд давлат университети

Эргашева Юлдуз Алимовна
Тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Қариш давлат техника университети

Халикова Рахбар Эргашевна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Тошкент давлат техника университети

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Эшов Боходир Жўраевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор
Қариш давлат университети

Махкамova Надира Рахмановна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Тошкент ахборот технологиялари университети

Кебадзе Мадонна
тарих фанлари доктори (DSc),
Телави давлат университети

Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
Нукус давлат педагогика институти

Мустафаева Нодири Абдуллаевна
тарих фанлари доктори (DSc),
Ўзбекистон Фанлар академияси

Ерметов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Хайдаров Ғайратбек Мирзапўлатович
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Андижон давлат университети

Рашидов Ойбек Расулович
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Расулов Абдуллажон Нуриддиневич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор
Наманган давлат университети

Ковалев Борис Николаевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор
Санкт-Петербург Тарих институти

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Ауанасова Алима Мусировна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Қозогистон давлат тарихи институти

Бегалинова Калимаш Капсамаровна
фалсафа фанлари доктори (DSc), профессор,
Қозогистон Миллий университети

Хайдаров Муродилла Махмутаевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Тожибоев Музаффар Турдибоевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
ИИВ Академияси

Алиева Лале
тарих фанлари доктори (DSc),
Озарбайжон давлат университети

Саипова Камола Давляталиевна
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Исмаилова Алмаз
тарих фанлари доктори (DSc),
Догистон мустақил университети

Иноятова Диларам Маниглиевна
Тарих фанлари доктори (DSc), профессор
Ўзбекистон Миллий университети

Таниева Гулдона Мамановна
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
Низомий номидаги Ўзбекистон Миллий педагогика университети

Дорошенко Татьяна Ивановна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Ширванова Тарана Амирага кызы
тарих фанлари номзоди, доцент,
Азербайджон давлат
иқтисодиёт университети

Мирзалиев Улуғбек Бегмурзаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), Гулистон
давлат педагогика институти

Нуруллаева Шоира Кушназаровна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Урганч давлат университети

Курбанов Бахтияр Журабаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD),
Наманган давлат университети

Хакимова Шоира Сағдуллаевна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), UBS Тошкент филиали

Толибоева Нодира Одилжоновна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон
жаҳон тиллари университети
Масъул котиб

Теймураз Ахалмосулишвили
тарих фанлари номзоди, профессор,
Телави давлат университети

Джоробекова Айнура Эшимбековна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Қозоғистон дипломатия академияси

Рахмонқулова Зумрад Бойхуразовна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Исаков Бахадир Нигматуллаевич
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Холмуродов Дилшод Рашидович
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), Жиззах давлат
педагогика университети

Юсупов Ахмеджон Шоназарович
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доценти
Urganch davlat universiteti

Тиллахжаева Хуршида Джумаваевна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD),
Тошкент давлат техника университети

Одилов Абдор Анварович
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
Ўзбекистон Миллий университети
Масъул котиб

Исоков Бахтиёр Робиддинович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Наманган давлат университети

Тўхтабасв Аъзамжон Шарипхўжаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент,
Наманган давлат университети

Халмуратов Бахтиёр Режавалиевич
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент,
Наманган давлат университети

Алимардонов Отабек Қудратович
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доценти
Ўзбекистон Миллий университети

Хасанова Нодира Ибрагимовна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доценти, Денов
тадбиркорлик ва педагогика институти

Турсунова Юлдуз Бобоқуловна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD),
ЎзР. ФА. Тарих институти

Азаматова Гулмира Байирбековна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD),
Jizzax davlat pedagogika universiteti

Каримжонов Жасурбек Мухторжонович
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD),
Ўзбекистон Миллий университети

1. Надира Махкамова

СОВЕТ ҲОКИМИЯТИ ЎРНАТИЛГАНИДАН КЕЙИН ТУРКИСТОНДА ЖАМИЯТ ИЖТИМОИЙ ТУЗИЛМАСИ ТРАНСФОРМАЦИЯСИ.....5

2. Ollabergan Allaberganov

1945–1960-YILLARDA XORAZM VILOYATI QISHLOQLARIDA MAKTABGACHA TARBIYA TIZIMIDAGI MUAMMO VA ZIDDIYATLAR.....13

3. Zaxra Mirzayeva

K.P. FON KAUFMAN MA’MURIYATINING ILK KO‘RGAZMA TASHABBUSLARI.....17

4. Akmal Mengliboyev

SOVET HOKIMIYATI O‘RNATILISHI ARAFASIDAGI JANUBI-SHARQIY BUXORODA VAZIYAT.....23

5. Xushnudbek Mamadaliev

XIX ASRNING IKKINCHI YARMI – XX ASR BOSHLARIDA FARG‘ONA VODIYSI SHAHRLARIDAGI DEMOGRAFIK O‘ZGARISHLAR.....28

6. Xosiyat Nafiddinova

MDH DAVLATLARIDA MILLATLARARO MUNOSABATLARNING TARIXIY-ETNOGRAFIK ASOSLARI VA ZAMONAVIY TADQIQOT YO‘NALISHLARI.....35

7. Бекзод Пайзуллаев

БУХОРО АМИРЛИГИ ВА ҚЎҚОН ХОНЛИГИНИНГ ЖИЗЗАХ, ЎРАТЕПА ВА ХЎЖАНД УЧУН КУРАШЛАРИ ТАРИХИ БЎЙИЧА МУЛОҲАЗАЛАР.....39

8. Mo‘minjon Salayev

BAQTRIYA HUUJATLARIDA AYOLLARNING HUQUQIY VA IJTIMOIIY MAQOMI (IV – VIII ASRLAR).....46

9. Nafisa Hayotova

БУХОРО ШАҲРИ МЕЪМОРИЙ МУҲИТИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР: СИЁСИЙ ҲОКИМИЯТ ВА МЕЪМОРИЙ УСЛУБ ЎРТАСИДАГИ БОҒЛИҚЛИК.....55

10. Sevara Elmurodova


O‘ZBEKISTON TARAQQIYOTINING YANGI BOSQICHIDA MAKTABGACHA TA’LIM TASHKILOTLARI SOHASIDA AMALGA OSHIRILGAN ISLOHOTLAR MOHIYATI.....64

11. Ziyodulla Eshmirzayev

TO‘G‘ONSIZ SUG‘ORISHDAN MUHANDISLIK NAZORATIGA: XORAZMVOHASI IRRIGATSIYA TIZIMIDAGI BURILISH (1946–1991-YILLAR).....75

12. Абзамжон Юсупов

ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ЖАДИДЛАРИНИНГ МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ ВА ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ФАОЛИЯТИ.....81



Надира Махкамова,

Тарих фанлари доктори, профессор.

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги

Тошкент ахборот технологиялари университети

mnadira2000@mail.ru

СОВЕТ ХОКИМИЯТИ ЎРНАТИЛГАНИДАН КЕЙИН ТУРКИСТОНДА ЖАМИЯТ ИЖТИМОЙ ТУЗИЛМАСИ ТРАНСФОРМАЦИЯСИ

For citation: Nadira Makhkamova. TRANSFORMATION OF THE SOCIAL STRUCTURE OF SOCIETY IN TURKESTAN AFTER THE ESTABLISHMENT OF SOVIET POWER. Look to the past. 2026, vol. 9, issue 8.



<http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.22009466>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада XX асрнинг 20-йиллари бошларида республикада кечган ижтимоий жараёнларнинг мураккаб трансформацияси очиб берилган. Бу даврда шаклланаётган совет жамияти янги ижтимоий тузилмасининг шаклланиши ва аввалги ижтимоий тузилманинг тугатилиши каби оғриқли жараёнларнинг кучайиб бориши каби икки йўналиш кўзга ташланади. Бу даврда мамлакатнинг сиёсий ва иқтисодий ҳаёти янги инқилобий асосларга йўналтирилган ҳолда қайта қурила бошланган, унинг янги ижтимоий тузилишининг асоси шакллана борган, совет ҳукуматининг очиқ синфийлик назариясига асосланган жамиятнинг ижтимоий-синфий табақаланишининг чуқурлашишига ва охир оқибат унинг эски ижтимоий стратификациясини бутунлай тугатилишига қаратилган сиёсати амалга оширилган.

Калит сўзлар: Совет ҳокимияти, ижтимоий тузилма, ишчилар, мулкдорлар, хунармандлар, савдогарлар, дехконлар, зиёлилар, трансформация.

Надира Махкамова,

Доктор исторических наук, профессор.

Ташкентский университет информационных технологий

им. Мухаммада аль-Хоразми

mnadira2000@mail.ru

ТРАНСФОРМАЦИЯ СОЦИАЛЬНОЙ СТРУКТУРЫ ОБЩЕСТВА В ТУРКЕСТАНЕ ПОСЛЕ УСТАНОВЛЕНИЯ СОВЕТСКОЙ ВЛАСТИ

АННОТАЦИЯ

В данной статье раскрываются сложные трансформационные социальные процессы, которые происходили в республике в начале 20-х годов XX в. Они развивались в двух направлениях – начинала формироваться новая социальная структура строящегося советского общества, и набирал силу болезненный процесс уничтожения прежней социальной структуры. В статье показывается, как в этот период целенаправленно

перестраивалась на новых революционных началах политическая и экономическая жизнь страны, закладывался фундамент ее новой социальной структуры, осуществлялась ярко выраженная классовая социальная политика советской власти, направленная на углубление социально-классовой дифференциации общества и, в конечном счете, на разрушение его старой стратификации.

Ключевые слова. Советская власть, социальная структура, рабочие, собственники, ремесленники, торговцы, деҳкане, интеллигенция, трансформация.

Nadira Makhkamova,

Doctor of Historical Sciences, Professor.

Tashkent University of Information Technologies

named after Muhammad al-Khwarizmi

mnadira2000@mail.ru

TRANSFORMATION OF THE SOCIAL STRUCTURE OF SOCIETY IN TURKESTAN AFTER THE ESTABLISHMENT OF SOVIET POWER

ABSTRACT

This article explores the complex social transformation processes that took place in the republic in the early 1920s. These processes unfolded in two directions: the new social structure of the emerging Soviet society began to take shape, while the painful process of destroying the previous social structure gained momentum. The article demonstrates how, during this period, the country's political and economic life was purposefully restructured on new revolutionary principles, the foundations of its new social structure were laid, and a clearly defined class-based social policy of the Soviet regime was implemented, aimed at deepening the social-class differentiation of society and, ultimately, destroying its old stratification.

Index Terms Soviet power, social structure, workers, property owners, artisans, merchants, farmers, intelligentsia, transformation.

Долзарблиги:

Бугунги кунда бозор иқтисодиёти қонунларига асосланган жамияти ижтимоий таркибининг фаол шаклланиш жараёни кечаётган мустақил Ўзбекистон шароитида ўзаро ижтимоий муносабатлар соҳаси тараққиётида содир бўлган тарихий тажрибани ўрганиш нафақат халқ менталитетининг ўзига хос жиҳатларини идрок этишга, балки ўзликни англаш борасидаги баъзи бир миллий масалаларнинг ечимини топишга ёрдам бериши мумкин. Айнан юқорида қайд этилган ҳолат Ўзбекистон ҳудудида жамият ижтимоий тузилмаси трансформациясини тарихий жиҳатдан комплекс тадқиқ этиш заруриятини ва мазкур мақолани долзарблигини белгилаб беради.

Ўрганиш усуллари ва ўрганилганлик даражаси:

Ушбу мақоланинг назарий-услубий асосларини умуминсоний қадриятларга устуворлик бахш этган ҳолда янгича тарихий тафаккур концепциясига йўналтирилганлик ташкил этади. Мақолада белгиланган вазифаларни ечиш учун ривожланишнинг асосий босқичларини аниқлаш, воқеа-ҳодисаларни бир-бири билан алоқадорлик ва ўзаро муносабатларда ўрганиш, барча содир бўлаётган жараёнларни сабаб-оқибат алоқаларини очиб бериш, воқеа-ҳодиса ва жараёнларни ҳаракатда ва ривожланаётган ҳолатда ўрганиш, уларни ҳар бирини яхлит бир тизимнинг юза келиши ва мавжуд бўлиши қонуниятлари билан асосланган ва бунда ҳар бир элемент ўзининг қатъий ўрнига эга ва бошқа элементлар билан ўзаро алоқадорликда бўлган яхлит бир тизим сифатида қараш орқали воқеа-ҳодисаларни генетик кўриб чиқишни талаб қиладиган диалектик тафаккурнинг: тарихийлик, холислик, кўптомонламалик, детерминизм, тизимлилик каби асосий услубий тамойилларидан фойдаланилди. Шу билан биргаликда, тадқиқотда ўтмиш ва бугуннинг тарихий тажрибасини уларнинг амалий аҳамият нуқтайи назаридан кўриб чиқишни назарда тутадиган илмий билишнинг прагматик усулидан фойдаланилди.

Мазкур мақолани ёзишда Ўзбекистон Республикаси Миллий архиви ва Тошкент давлат архиви материаллари, шунингдек, ўрганилаётган масала у ёки бу даражада тегиб ўтилган адабиётлардан фойдаланилди.

Тадқиқот натижалари:

1917 йилги октябр инқилоби Туркистонда европаликлар томонидан амалга оширилган бўлиб, Б.Хайит ёзганидек “рус халқи Туркистонда ишчилар синфининг амалий жиҳатдан деярли ягона вакили эди” [1], маҳаллий меҳнаткашларнинг эса камсаводлиликлари, назарий тайёргарликларининг озлиги ва дунёқарашининг чуқур эмаслиги баҳона қилиниб, янги жамият қурилиши ишларидаги раҳбарлик ишларига жалб қилинмас эди. Шу сабабдан, Туркистондаги барча инқилобий ислохотлар марказдан жўнатилган коммунистлар раҳбарлигида европаликлар томонидан амалга оширилган. Социализм қурилиши биринчи босқичининг асосий вазифалари ҳисобланган – ишчилар синфининг ижтимоий негизини ва социалистик иқтисодий укладни шакллантирувчи муҳим куч сифатидаги мавқеини мустаҳкамлашга большевиклар партияси юзага келган иқтисодий танглик туфайли янада камайиб бораётган озсонли саноат ишчиларига эга бўлган ҳолда мутлак синфий ёндошув шароитида энг қатъий чораларни қўллаш орқали эришиш ҳаракат қилди. Агар 1921 йили республиканинг 269 та ценз саноат корхоналарида 17624 та ишчи банд бўлган бўлса, 1922 йилнинг бошларига келиб мавжуд 168 та корхонада 11787 тагина ишчилар микдори қайд этилган [2]. Саноат ишчиларининг ўзлари бу даврда озсонли сиёсий куч бўлганлар. Уларнинг сони ҳаттоки йирик корхоналарда ҳам борган сари камайиб борган, ойлик маошнинг жуда озлигидан ишчилар корхонадаги фаолиятларидан ташқари хунармандчилик, қишлоқ хўжалиги ва савдо ишлари билан ҳам шуғулланишга мажбур бўлганлар, яъни уларнинг табақасизлашув жараёнлари содир бўлаётган эди. Шу билан уларнинг кўпчилиги саводсиз бўлиб, уларда катта тил тўсиғи сабабли тарқоқлик ҳам мавжуд эди.

1923 йилги шаҳар аҳолисининг рўйхатга олиш жараёнида республикада 73,3 минг ишчи қайд қилинган. Улар меҳнатга лаёқатли шаҳар аҳолисининг 23,5% ини ташкил этганлар. Лекин уларнинг кўпчилиги саноат деҳқон хўжаликларида, хусусий хунармандчилик устахоналарида, савдо ва қурилиш иншоотларида ёлланма ишчи сифатида фаолият кўрсатганлар. Уларнинг таркибида 25,6 минг қора ишчилар ва 11 минг нафар кунбай ишчилар бўлган. Партиянинг ижтимоий таянчи бўла олиши мумкин бўлган фабрика, завод ва темир йўлларининг ишчилари сони фақат 8,6 минг нафарни ташкил этган. Улар умумий ишчилар сонининг 11,9% ини, меҳнатга яроқли шаҳар аҳолисининг 2,8% ини ва бутун шаҳар аҳолисининг 0,9%ини ташкил этганлар [3].

Совет ҳокимияти бу даврда сиёсий жиҳатдан ишчиларнинг имтиёзли ҳолатини мустаҳкамлаш мақсадида уларнинг меҳнат шароитлари ва ҳақ тўлаш ишларини, озик овқат ва саноат маҳсулотлари билан таъминланганлигини яхшилаш каби муаммоларни ҳал қилишда бир қатор имтиёзларни яратиб берган. Лекин бу имтиёзлар барча ишчиларга эмас, балки давлат фабрика саноат корхоналарида банд бўлганларгагина тақдим этилган эди.

Ишчилар синфининг ўсиши муаммосига катта эътибор берган ҳолда совет ҳукумати бу муаммони хунарманд ва усталарни, ишсизларни ишлаб чиқариш саноати меҳнатида жалб этишни кенгайтириш орқали ҳал қилишга уринган. Бундан ташқари бу даврда саноат ишчилари, асосан уларнинг юқори малакали қисмининг кўпайиши мамлакат марказий қисмидан кўчиб келган аҳоли ҳисобига амалга ошган. Айнан 20-йилларнинг бошларида уларнинг Туркистон саноатига кириб келиш оқими кучайиб борган.

Барча қабул қилинган чоралар натижасида Туркистонда ишчилар сони аста секин ошиб борган. 1925 йилга келиб ценз саноат ишлаб чиқаришда уларнинг сони 8908 нафаргача ошган [4]. Лекин туб миллат вакилларида бўлган ишчиларнинг сони уларнинг таркибида 2,5 мингдан озгина кўпроқ бўлиб 29,3%ни ташкил этарди [5].

Умуман олганда 20-йилларнинг бошларида Туркистонда ишчилар синфининг сиёсий таъсири анча заиф бўлиб, на жамиятда ва на ҳукмрон партия сафида улар реал таъсирга эга эдилар. 1921 йили республика партия ташкилотларида 29,2% ишчилар мавжуд бўлган [6].

Совет ҳукумати томонидан эълон қилинган ижтимоий синфларга бўлинмайдиган жамиятни барпо этиш ғояси давлатнинг аҳолининг мулкдор қисмига нисбатан кейинги муносабатини белгилаб берди. Унинг бутун ҳаракат фаолияти мулк эгалари иқтисодий салоҳиятига зарба беришга ва ҳар томонлама уларнинг иқтисодиётдаги роли ва таъсирини заифлаштиришга, бу билан нафақат улар фаолиятини қийинлаштириш, балки охир оқибат уларни мустақил ижтимоий куч сифатида умуман мавжуд бўла олишини хавф остига қўйишга қаратилган эди. Моҳиятан олганда бу жамият таркибидан мулкдорлар, моддий таъминланган ва тадбиркор кишилар гуруҳини фақатгина сиқиб чиқариш эмас, балки бутун страталар ва аҳоли гуруҳларини тугатиш эди. “Совет ҳукумати, – деб ёзади Б. Ҳайит, – Туркистонда ўз мавқеини мустаҳкамлаш йўлида “унинг асосий аҳоли қатламлари бўлган ноқатъий, ўзбошимча туркистонликларга – зиёлиларга, савдогарларга, кичик мулк эгаларига (ўрта деҳқон фермерлар ва хунармандлар) қарши курашган ва янги ҳукумат уларга доимо зиддиятлар олиб келган ва улар томонидан қабул қилинмаганда бу синфий кураш деб баҳоланган”²² [7].

Туркистон республикасида 20-йилларнинг бошларида шаҳар мулкдорларига нисбатан фаол тазйиқ ўтказилган. Давлат томонидан улар “ёлланма меҳнатдан фойдаланувчи хўжайинлар”, “фақатгина ўз оила аъзолари билан ишловчи хўжайинлар” ва “якка хўжайинлар” каби гуруҳларга бўлинган. 20-йилларнинг бошларида Туркистонда уларнинг миқдори бутун мамлакатда энг юқори бўлган ва ўртача 48%ни ташкил этган. Бу кўрсаткич РСФСРнинг Европа қисмида 19,9%, Белоруссияда – 29,7%ни, Қирғизистонда – 35,4%ни, Украинада – 39,4%ни ташкил этган [8]. Янги ҳукумат ҳокимиятга келиши биланоқ уларга қарши аёвсиз курашни бошлаб юборган ва ишлаб чиқариш воситалари, сармояларни национализация қилиш, оммавий реквизиция ва мулкни мусодара қилиш, йирик миқдордаги солиқларни белгилаш ва бошқа шу каби жараёнларни кучайтирган. Ушбу барча қатагон чоралари шаҳар аҳолисининг умумий стратификация қилишда ўз аксини топган. Унинг тузилмаси таркибидан йирик ер эгалари, савдо-саноат ва молия буржуазияси, коммиссионерлар, маклерлар каби стараталар бутунлай йўқолиб кетди.

Мулкдор аҳолининг фаолият майдонини торайтирган ҳолда совет давлати унинг катта қисмини мамлакат ижтимоий - сиёсий ҳаётидан суриб ташлаган. 1918 йил октябрда қабул қилинган Туркистон АССРнинг биринчи конституцияси барча руҳонийларни, фойда олиш мақсадида ёлланма меҳнатдан фойдаланувчи ва меҳнатсиз даромадлар билан кун кечирувчи шахслардан иборат бўлган хусусий савдогарлар, тижорат воситачилари кабиларни сиёсий ҳуқуқдан маҳрум этган [9].

Лекин XX асрнинг 20-йилларида Туркистон шаҳарлари аҳолиси сафида тез йўқолиб бораётган йирик ижтимоий страталардан ташқари асосий салоҳиятли аҳолининг муҳим қисмини ташкил этиб товар-пул муносабатлари соҳасида фаоллиги билан ажралиб турувчи, ҳамда давлат уларни бирданига тугата олмаган майда ва ўрта мулкдорларнинг (хунармандлар, усталар, савдогарлар, боғчилар, полиз деҳқонлари, аравакашлар ва бошқалар)нинг каттагина қисми мавжуд бўлган. Мустақил иқтисодий бирлик сифатида улар “қизил гвардиянинг сармояга хужумлари”нинг ва “ҳарбий коммунизм” сиёсатининг барча ноқулайликларига қарамасдан ўз ишларини ва меҳнат маҳоратларини сақлаб қола олдилар. Янги иқтисодий сиёсат улар фаолиятининг жонланишига олиб келган. Хўжалик юритиш учун учун янги имкониятларнинг вужудга келиши натижасида улар иқтисодий танглик билан кураш чораларини бошлаб юборганлар, ҳамда пролетар давлатдан кўра кўпроқ тажрибага эга эканликлари бунда уларга қўл келган ва улар савдони жонлантириб, аҳолига керакли бўлган озиқ овқат маҳсулотлари ва кенг истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни анча кенгайтира олганлар.

20-йилларда минтақада йирик фабрика-завод саноатининг паст ривожланиш даражада эканлиги хунарманд ва усталарнинг фаолиятига кенг эҳтиёжларни талаб қилар эди. Арабалар, қишлоқ хўжалигида ишлатиладиган меҳнат қуроллари, мебел, кийим-кечак, идишлар ва бошқа уй-рўзғор буюмларини ишлаб чиқариш Туркистон ценз саноатида умуман мавжуд эмас эди. Бу маҳсулотларни фақатгина хунарманд ва усталар ишлаб чиқарарди.

Бундай ишлаб чиқариш фаолиятининг ҳаётийлиги ва барқарорлиги биринчи навбатда уларнинг фақатгина маҳаллий хом-ашё бозорига, ўз оиласининг меҳнат ресурсларига таянишлари, ҳамда меҳнат фаолиятларининг махсус мураккаб асбоб-ускуналарни талаб қилмаслиги билан изоҳланар эди ва шу сабабдан улар ишлаб чиқарган маҳсулот жуда арзон эди.

Совет ҳукумати ушбу майда товар ишлаб чиқарувчилар фаолиятини жонлантиришдан чўчиган ва уларни кооперациялар ёрдамида ижтимоий тузилмага тезда жалб этишга интилган. Лекин уста ва хунарманд кооперативлари қатъий синфий асосда ташкил этилган, шу сабабдан камбағал ва заиф бўлган, ҳокимият уларга фаол ёрдам бермаганлиги учун ушбу ҳаракат жуда ҳам секин ривожланган. 1922 йилнинг майида Туркистон компартияси “нопролетар таъсирнинг” кучайишдан чўчиб, уларни касаба уюшмаларига қабул қилинишини таъқиқлаб қўяди ва бунинг натижасида шаҳар аҳолисининг каттагина қисми давлат ижтимоий ҳимоясиз иккинчи тоифали одамлар даражасига тушиб қолганлар. “Ҳеч кимнинг ҳаёлига, - деб ёзади 1921 йили Г.И. Сафаров, - майда ишлаб чиқариш соҳасида айнан янги ишлаб чиқариш тузилмасининг асоси бўлишлари кераклиги ғояси келмади ва айнан улар орқали маҳаллий аҳоли каттагина қисмини ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб этиш режасини ҳаётга тадбиқ этиш мумкин эди” [10].

Шаҳар аҳолисининг товар-пул муносабатларининг тараққиётида ва республиканинг издан чиққан хўжалигини тартибга солишда қатнашувчи, янги иқтисодий сиёсат (ЯИС)га ўтиш жараёнида миқдори анча ошган яна бир аҳамиятли ижтимоий старатаси қаторига савдогарларни киритиш мумкин. Улар иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамлашганлар, чунки уларнинг бутун хусусий сармоялари ишлаб чиқаришга эмас, балки тез айланма ҳаракатига эга ва юқори даромад келтирувчи савдога жалб этилган эди. Шу сабабдан, 20-йилларнинг бошларида минтақа иқтисодиётида саноат бутунлай давлатнинг қўлида, савдо эса тўлиқ хусусийчилар қўлида бўлган иккиёклама вазият вужудга келди. Чакана савдода хусусий мулкчиларнинг таъсири катта эди. 1923 йилда давлатга 0,6% чакана савдо, 0,9% кооперация тегишли бўлган бўлса, хусусийчиларнинг улуши 98,5%ни ташкил этган [11].

Усталар, хунармандлар, савдогарларнинг республика иқтисодиётини тиклашдаги катта ҳиссаларига қарамасдан улар совет ҳукумати томонидан ижтимоий бегона элементлар сифатида баҳоланар эди. Ҳукумат улар тимсолида вайрон бўлган иқтисодиётни қайта тиклай олишга ёрдам бера оладиган ва социализм қурилиши масалаларини самарали ҳал қила оладиган кучни кўришни истамас эди. Шу сабабдан уларнинг таъсирининг ошиб боришини олдини олиш мақсадида ҳукумат доим улар фаолиятини чеклаб борган ва бу чекловлар тобора кучайиб бораётган молия-кредит, ижара, солиқ сиёсати ҳисобига амалга оширилар эди.

20-йилларининг бошларида Туркистон товар ишлаб чиқарувчи мулкдорларининг катта қисмини деҳқонлар ташкил этган. Биринчи Жаҳон уруши, 1916 йил қўзғолонлари, 1918 йилги очарчилик уларнинг аҳолини анча ёмонлаштирган. Туркистон қишлоқларида XX аср бошлари билан солиштирганда ерсиз ва камбағал хўжаликлар сони кўпайиб, ўрта ва бой хўжаликлар сони қисқарган. Лекин иқтисодий танглик шароитида анча барқарор ҳисобланган 1-2 десятина ерга эга бўлган хўжаликлар сони ўзгармаган [12].

Ўзларининг якка услубда хўжалик юритиш шаклига ва мулкдорлик ижтимоий руҳиятига эга якка тартибдаги деҳқонлар усталар, хунармандлар, савдогарларни совет ҳокимияти ўзи учун душманлик қилиши мумкин бўлган доимий хавф деб баҳолаган. Шу сабабдан совет ҳукумати ўзининг биринчи кунлариданоқ қишлоқларда хўжалик юритишнинг социалистик шакллари, янги ижтимоий тузилмани шакллантиришга, камбағал деҳқонлар тимсолида ўз ижтимоий таянчини мустаҳкамлаш, уларнинг ижтимоий фаолликларини ошириш, якка тартибдаги хўжаликларни тараққиёт имкониятларини ҳар томонлама чеклаш каби масалаларга катта эътибор қаратган.

Биринчи ўринда совет ҳукумати аввалги яхлит бўлган деҳқонлар стратаси ичида – давлат совет хўжаликлари ишчилари ва коммуна, артел ва ўртоқликларга уюшган янги социалистик страталарни шакллантирди. Қишлоқларда деҳқонларга аввал маълум бўлмаган

деҳқончиликнинг янги шакллари бўлмиш жамоа хўжаликлари пайдо бўла бошлаган. Ўша пайтдаги уларнинг юзага келишининг характерли жиҳати шундаки, улар дастлабки пайтда буйруқбозлик тартибида эмас, балки якка тартибдаги деҳқон хўжаликларининг, биринчи навбатда ўта камбағал хўжаликларнинг ихтиёрий бирлашуви асосида ташкил этилган. 1919 йилнинг охирига келиб республикада 35 минг десятина ерга эга, ўз сафида 40 минг инсонни бирлаштирган 400 дан зиёд жамоа хўжаликлари тузилган [13]. Уларнинг аҳволи жуда оғир бўлиб, кўп ҳолатларда улар ўз олдидарида турган вазифаларни амалга ошириш имкониятига умуман эга бўлмаганлар.

Камбағал деҳқонлар тимсолида кишлоқларда ўзига ижтимоий таянч шакллантиришга уринган совет ҳукумати уларни ҳаракатчан мулкдор деҳқонларга қарши гижгижлаб, қишлоқ жамоасининг анъанавий бирдамлигини издан чиқаришга ҳаракат қилган. Бой ҳамқишлоқларнинг деҳқончилик қуроллари, уруғ захиралари, иш ҳайвонлари ва шу каби мулклари реквизиция ва мусодара қилинган, “Қўшчи” каби камбағаллар кўмиталари, камбағаллар иттифоқлари каби “синфий ташкилотлар” ташкил этилган.

Умуман совет ҳукуматининг қишлоқлардаги фаолияти унинг ташкил этилганлигининг дастлабки йилларида якка тартибдаги деҳқонлар ҳолатига жуда салбий таъсир этган эди. Туркистонда 1920 йилда уларнинг хўжаликлари сони 1917 йил билан қиёслаганда 16%га, қишлоқ аҳолиси эса 20,7% га қисқарган [14].

1921-1922 йиллардаги ер-сув ислоҳоти чоризмнинг аҳолини кўчириш каби мустамлака сиёсати қолдиқларини тугатган ҳолда қишлоқлардаги ер муносабатларига сезиларли ўзгаришларни олиб келмаган ва деҳқонларнинг ҳолати яхшиланмаган. Камбағал деҳқонларнинг кўпчилиги бойларга қарши чиқмадилар ва бойларнинг ерга эгалик қилишларини чеклаш сиёсатини ҳукумат кутганидек кенг кўламда қўллаб қувватламадилар. Лекин америкалик тадқиқотчи М. Ривкин ёзганидек, “русларга ва мустамлакачиларга қарши йўналтирилганлиги сабабли деҳқонлар томонидан яхши қабул қилинди” [15].

Қишлоқлардаги вазият янги иқтисодий сиёсат(ЯИС) эълон қилингандан кейин яхши томонга ўзгара бошла якка тартибдаги деҳқонларга яна фаол хўжалик юритувчи субъект сифатида ҳаракат қилиш имкониятини берди. Қишлоқ хўжалигининг жонланиш жараёни жуда оз сонли ва иқтисодий жиҳатдан мустақил бўлмаган колхоз ва совхозларнинг фаолияти натижасида эмас, балки айнан уларнинг меҳнатлари эвазига амалга ошди. Лекин қайта тиклаш жараёнини муваффақиятли тугатилишига кучли ижтимоий иқтисодий муаммоларни ҳал қилишда бутунлай синфий ёндошув асосида қаралиши ҳалақит берди. Ижара муносабатлари тизими ва ёлланма меҳнатдан фойдаланиш, солиқ ва кредит сиёсати, кооперативларнинг ташкил этилиши тўлиқ синфий назария асосида олиб борилди ва улар устидан қатъий назорат ўрнатилди. Умуман олганда 20-йилларнинг бошларида қишлоқларнинг ижтимоий тузилмаси 1917 йилга нисбатан умуман ўзгармаган ва бу 1923 йил март ойида бўлиб ўтган Коммунистик партиянинг VII съездида қайд қилинган[16].

Янги социалистик тузум учун ўз зиёлиларининг мавжудлиги жуда муҳим эди, зеро, сиёсий, иқтисодий, илмий, маданий ва ижтимоий фаолиятнинг турли соҳаларида юқори даражадаги ақлий меҳнат билан шуғулланувчи, ўзларининг касбларига мувофиқ тарзда профессионал маълумотга эга бўлган малакали мутахассисларга эга бўлиш ҳар қандай ривожланган жамиятнинг ижтимоий категорияси ҳисобланади. Совет ҳукуматининг бундай стратага эга бўлмаганлиги сабабли, дастлабки йилларда унинг олдида – эски “буржуа” зиёлиларини вақтинча жалб этиш ва ўзининг “ишчи-деҳқон” зиёлиларини шакллантириш бўйича ишларни бошлаб юбориш каби иккита вазифа қўйилди.

Большевиклар Туркистонни озсонли миллий зиёлиларга эга, иқтисодий ва маданий жиҳатдан қоқоқ, шу билан бирга “панисломийлик” ва “пантуркийлик” ғоялари билан заҳарланган минтақа деб ҳисоблар эдилар ва жадиждларнинг аксарият илғор қисми совет ҳокимиятини қўллаб қувватлаганликларига қарамасдан, улар миллий зиёлилар тимсолида янги ҳукуматга ёрдам бера олиши мумкин бўлган интеллектуал кучни кўришни истамас эдилар. Республика ҳукуматида ишлаган ватанпарвар миллий етакчилардан бўлган Т. Рискүлов, К. Отабоев, С. Турсунходжаев, И. Хидиралиев, А.

Рахимбоев, Н. Тўракулов, Ф. Хўжаев, А. Фитрат ва бошқалар марказдан келган большевикларнинг салбий муносабатларига қарамасдан маълумотли маҳаллий кадрларни янги ҳаёт қурилишига фаол жалб этишга интиланлар. Уларнинг ҳаракатлари натижасида миллий кадрлар халқ таълими соҳаси, маданий маърифий муассасаларда, нашриёт органларида ўз халқига хизмат қилиш имкониятига эга бўлганлар.

Зиёлиларнинг таркибий қисми ҳисобланган мусулмон руҳонийларининг аҳволи анча мураккаб бўлган. Совет ҳокимиятининг “черковни давлатдан ажратиш ҳақида”, “вақф мулкни бекор қилиш ҳақида”, “Қозилик ва бийлик судларининг тугатилиши ҳақида”, “Мадраса ва мактабларнинг ёпилиши ҳақида”ги илк декретлари руҳонийларнинг мусулмон жамиятида интеграция кучи сифатидаги мавқеига катта зарба берган. Бундан ташқари 1918 йилда қабул қилинган Туркистон Республикаси Конституцияси руҳонийларни сайлов ва қўллаб-қўллаш сиёсий ҳуқуқлардан маҳрум этган ва бу билан уларни жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётидан суриб чиқарган. Лекин асрлар давомида диннинг халқ онгида шаклланган ва ўрнашган катта таъсирини қандайдир давлат ҳужжатлари билан йўқ қилиш мумкин эмас эди. Натижада юқоридаги жараёнлар асосий халқ оммасининг кучли норозиликка сабаб бўлган, ислом руҳонийларининг кундалик ҳаётдаги таъсири аввалгидек сақланиб қолган. Шу сабабли халқ норозиликларининг кучайиб кетишидан хавфсиз равишда совет ҳукумати алоҳида ёнберишларга мажбур бўлган ва дастлабки йилларда Туркистонда руҳонийлар маҳаллий аҳолининг фуқаролик ҳуқуқи муносабатларини, маълум маънода мактаб ва мадрасалар фаолиятини бошқаришни давом эттирганлар. 1923 йилда Туркистон шаҳарларида 3562 нафар диний хизматчи қайд этилган. Улардан 3346 (барча диний хизматчиларнинг 94%и) нафарини мусулмон руҳонийлари ташкил этганлар. Улар меҳнатга лаёқатли шаҳар аҳолисининг 1,1%ини ташкил этганлар.

20-йилларнинг бошларидаги ишчи синфи, деҳқонлар, уста-хунармандлар, руҳонийларнинг аниқ сони ҳақида бизда аниқ далиллар мавжуд бўлса, зиёлилар бўйича бу даврга оид аниқ статистик маълумотларалар мавжуд эмас, чунки ўша вақтда бундай тушунча мавжуд бўлмаган. “Хизматчилар” ижтимоий категорияси мавжуд бўлиб, унинг таркиби “жисмоний меҳнат билан шуғулланмайдиган ва ойлик учун ишловчи” барча категориялардан иборат бўлган. Бу даврда малакали профессионал мутахассислар ва маъмурий раҳбарият ишчилари (буларни ушбу стратага шартли тарзда киритиш мумкин, чунки бу категория вакиллари ҳар доим ҳам олий маълумотга эга бўлмаганлар) ҳам зиёлилар тоифасига кирганлар. 1923 йилги шаҳар аҳолисини рўйхатга олиш жараёни Туркистон шаҳарларида 12,5 минг малакали профессионал мутахассислар яшаганлигини ва улар совет давлати хизматида ишлаганликларини қайд этган (меҳнатга лаёқатли шаҳар аҳолисининг 4,4%и). Уларнинг деярли ярми маъмурий бошқарув ва суд органларида, 32%и халқ таълими тизимида банд бўлганлар, 8,3%и маданий маърифий фаолият билан, 6%га яқини эса ижодий меҳнат билан шуғулланганлар, фақатгина 1405 киши эса (11%и) ишлаб чиқариш ва тиббиёт муассасаларида ишлаганлар [17].

Совет давлати хизматида таълим олган ва саводли кишиларнинг озсонли эканлиги “ишчи-деҳқон” зиёлиларини шакллантириш заруриятини кўрсатди, ҳамда ушбу жараён катъий синфий назария асосида амалга оширилди. Уни амалга оширишнинг йўлларида бири сифатида бу “номзодларни кўрсатиш” усули тандланди ва унга кўра халқ хўжалигининг, маданий ҳаётнинг барча соҳаларида, партия, кенгаш, хўжалик органлари раҳбарлик лавозимларига инқилобий кайфиятдаги фаол ишчи ва деҳқонлар орасидан номзодлар кўрсатилиб, уларнинг аксарияти нафақат профессионал таълим, ҳатто бошланғич таълим маълумотига ҳам эга эмас эдилар.

“Номзодлар кўрсатиш” усули давлат учун зарур маълумотли профессионал кадрлар билан таъминланиш муаммосини ҳал қила олмади. Бу муаммо фақатгина олий ва ўрта махсус ўқув муассасаларини ташкил этиш орқали ечилиши мумкин эди. Пролетар давлати ҳаттоки бу жараёнда ҳам инқилобий тартибсизлик ва катъий синфий тамойилларни қўллаган ҳолда иш кўрган. Бу даврда дунё амалиётида мутлақ янги бўлган олий таълим шакли – ишчи факультетлари (рабфаклар) ташкил этилган. Улар олий таълим ўқув жараёнининг оралик

босқич шаклларида бири эди. Улар совет зиёлилари шаклланишининг ўзига хос инқилобий услубларидан бири бўлди. Бундан ташқари, талаба жамоалари ва профессор-ўқитувчилар таркиби шаклланишининг ижтимоий тамойиллари тубдан ўзгармоқда эди.

Хулосалар:

Ҳокимиятни эгаллашлари биланок большевиклар ўзларининг мафкуравий назарияларига мос келмаган анъанавий ижтимоий қатламларни йўқ қилиш орқали янги жамиятни барпо этишга киришиб кетганлар. Совет ҳукумати ўз давлат механизми кучига таянган ҳолда Ўзбекистонда ижтимоий фикрнинг ўзгариши, маҳаллий аҳоли хўжалик юритиш анъаналари ва маданиятни йўқотишга қаратилган мақсадли ва давомий сиёсатини амалга оширди. Унинг ушбу йиллардаги ижтимоий сиёсати эски тузилмани қайта ташкил этишга, мулкдорлар синфи совет ҳукумат тараққиётининг таянчи, иқтисодий барқарорлигининг кафолати бўла олиши мумкин бўла оладиган бир пайтда уларни фақатгина душман сифатида баҳолаб ва йўқ қилишга қаратилган. Давлат ўзининг лаёқатли аҳолисининг асосий қисми билан курашаётган эди. У фаол хўжалик юритувчи страталарнинг ижобий ҳаракатларини баҳолай олмаган ва уларнинг меҳнат ресурсларининг бой заҳирасини керакли соҳаларга йўналтира олмаган. XX асрнинг 20-йилларида уста-хунарамандлар ишлаб чиқариш фаолияти ва хусусий савдо аҳолини хўжалик ва миллий анъаналарига талабларига мос керакли истеъмол товарлари ва маҳсулотлар билан таъминлашни йўлга қўйган ҳолда республика иқтисодиётида пастки поғоналарни эгаллашлари ва совет ҳукумати ўзининг барча ҳаракатларини йирик саноат ишлаб чиқариш ва давлат савдо тизимига йўналтириши ҳам мумкин эди. Лекин бундай йўлни ҳукуматнинг ўзи инкор этган ва бу билан социалистик жамият қуришнинг кучли бошланғич асосларини таъминлаш аниқ имконияти ҳам қўлдан бой берилган.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Hayit Baymirza. Some Problems of Modern Turkistan history. An annalysis of Soviet attacks on the alleged falsifiers of history of Turkistan. – Dusseldorf. 1963. – P. 21.
2. Статистический ежегодник. 1917-1923. – Том II, ч.3. – С. 539, 589.
3. Классовый и профессиональный состав городского населения ТАССР в 1923 г. – Т., 1924. – С. 46.
4. Народное хозяйство Средней Азии в цифрах. Стат. Сб. – Т., 1929. - С. 54-55.
5. Два года социалистического строительства в Узбекистане. Отчет правительства УзССР IV съезду советов. – Т., 1931. – С. XIX.
6. Коммунистическая партия Туркестана и Узбекистана в цифрах. (Сб. стат. материалов.). 1918-1967. – Т., 1968. – С. 46.
7. Hayit Baymirza. Some Problems of Modern Turkistan history. ... – P. 36.
8. Классовый и профессиональный состав городского населения ТАССР. – С. 12-13.
9. Съезды советов РСФСР и автономных республик РСФСР, Сб. док. Том 1. – М., 1959. – С. 285-286.
10. Сафаров Г.И. Колониальная революция (опыт Туркестана). – М., 1921. – С. 178..
11. Статистический ежегодник. 1917-1923. – Том II, ч. 2. – С. 163-164.
12. Материалы к характеристике народного хозяйства в Туркестане. Часть II. – СПб., 1911. – С. 121-122; Статистический ежегодник. 1917-1923. Том II, часть 3. – С. 65. (муаллиф хисоби бўйича)
13. ЎзМА, ф.Р-29, р. 3, й.ж. 1518, в. 302.
14. Статистический ежегодник. 1917-1923. Том II, ч. 3. – С. 23-25.
15. Rywkin M. Russia in Central Asia. – New York – London, 1963. – P. 63.
16. Коммунистическая партия Туркестана в резолюциях съездов и конференций. – Ташкент: Узбекистан, 1988. – С. 227-228.
17. Классовый и профессиональный состав городского населения ТАССР. – С.52-56

ЎТМИШГА НАЗАР

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Тадqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000